



Қарор ва ижро

# НОГИРОННИ ҚЎЛЛАШ катта савоб

**Тахририятга Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчасидаги 74-уйда яшовчи фуқаро Алишер Норовдан хат келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

— 1994 йилнинг 11 апрелида йўл транспорти фалокатига учрадим. «Тез ёрдам» машинасининг қаттиқ урилиши натижасида бошим лат еб, узоқ вақт даволандим. Шифокорлар сабъ-ҳаракати билан бироз ўзимга келдим. Аммо, орадан анча вақт ўтган бўлсада, аҳволим яхшиланмапти. Яшаш керак, жўжабирдай жонман, ахир.

Шундан сўнг вилоят тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясининг хулосасига кўра, олти ойга иккинчи гуруҳ ногиронлиги нафақасига чиқарилдим. Кейинчалик олти ойга саломатлигимни йўқотган, деган хулоса билан учинчи гуруҳ ногиронлигини олдим.

Аҳволим бироз бўлсада яхшиланди, деб ўйлагандим. Бахтга қарши пенсияга чиққангидан буён на тавон пули ва на нафақа пулини ололмади, овора-ю сарсонман. Тегишли идораларга, раҳбарларга мувофиқ эътиборим чарчадим. Мушуқимни осон этишда газетадан ёрдам сўрайман.

Арзнома юзасидан жойларда бўлганимизда, бундай қисматга учраган кишилар яна борлигининг гувоҳи бўлдим. Мутахассислар билан биргаликда ногиронлар сарсон бўлишининг туб сабабларини аниқлашга ҳаракат қилдим.

Маълум бўлишича, баъзи раҳбару мутахассислар ўзларини бозор шароитида ишлашга тайёрлай олмаганлар. Корхона, ташкилотлар иқтисодини мустақамлаш, эскирган ускуналарни замонавийлар билан алмаштириш, хориж билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига лозим даражада эътибор қаратилмаган. Оқибат-натияжада айрим корхоналарнинг инқирозга юз тутиши, қайсидир ташкилотларнинг тугатилишини баҳона қилишлар, боз устига инсон тақдирига

бефарқлик турли йўсинда тан жароҳати олган кишиларнинг овора-ю сарсон бўлишига сабаб бўлмоқда.

Қуйидаги мисолга эътиборни қаратайлик. Бухоро шаҳар «Тез ёрдам» бўлими фельдшер А.Норовга нафақа тайинланиб, бахтсиз ҳодиса юзасидан тугатирилган далолатномага мувофиқ тавон пули тўлашга йўл очилган. Аммо бу орада қайд этилган шифо маскани замирида республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро бўлими ташкил этилди. Янги бўлим раҳбарияти ҳамда вилоят молия бошқармасидаги маъсۇл кишилар ногиронга ёрдам белириш, мушуқимни осон этиш йўлини қўйиш ҳақида ўйлаб кўриш ўрнига, бор онангга, бор отанга қабилида иш юритганлар. Табиийки, катта оила иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолди, эр-хотиннинг саломатлигига путур етди.

Бухородаги кўчма механизациялашган жамланма курувчи Рустам Саидов ҳам ногиронлик учун ажратилган нафақа ва тавон пуллари билан бир йилдан буён ололмади, хуноб бўлиб юрганлигини маълум қилди. Муаммони хал этиш орузида вилоят пенсия жамғармаси, ижтимоий таъминот идораларининг вакиллари, тиббий меҳнат экспертизаси комиссияси ходимлари билан анчагина тортишшига тўғри келди. Вилоят касабга уюшмалари Кенгаши ҳузуридаги меҳнатни муҳофаза қилиш нозирларининг аралашуvidан сўнг ҳам маблаг масалаларининг қайсидир томонлари ечилмай қолди. Бунда вилоят молия бошқармасининг маълум миқдорда айби борлигини эътироф этишмоқда. Негаки, тегишли миқдордаги маблаг кўчириш билан боғлиқ ҳара-

кат шу ердан бошланиши керак.


Шу ўринда тажрибали мутахассислар фикрига қўшилиш керак. Гап шундаки, баъзи мутасадди ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари ўз фаолиятлари учун муҳим аҳамият касб этадиган баъзи қонунларни яхши билишмайди ёки бўлмаса, масъулиятни зиммага олишдан чўчишади. Ваҳоланки, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ жароҳатлаш, касб касаллигига чалиниш ёки бошқа шикастланишлар сабабли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари, йўл-йўриқлари ҳукумати-мизнинг бу ҳақдаги қоронида аниқ-равшан ифодасини топган. Ҳатто зарарни тўлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби ҳам белгилаб берилган.

Мазкур ҳужжатда шундай сатрлар бор: «Корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда ариза унинг ҳуқуқий ворисига берилади. Тугатилган корхонанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтмаган тақдирда корхона ўзининг тўловга қурби етмаслиги тўғрисида маълум қилиши ҳамда зарар тўловларига тегишли бўлган суммани Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий сугурта жамғармасига ўтказишга мажбурдир».

Масаланинг мана бу томони ҳам бағоят эътиборли. «Тугатиш ҳисоботи келгусида зарарни тўлаш учун зарур бўлган сумма ижтимоий сугурта жамғармасига ўтказилган кейинги тасдиқланади. Ижтимоий сугурта жамғармаси жабрланганларга зарар тўловини, жамғармага ўтказилган сумма доирасида, қонунчиликда белги-ланган миқдорда ижтимоий таъминот органлари орқали тўлайди».

Демак, ногиронлар муаммосига юқоридаги талаблар асосида ёндошилганда, уларни овораю сарсон қилмай, вақтида бемалол ҳал этиш мумкин бўларди. Бунинг учун биринчи навбатда, мутасаддиларда инсон тақдирини учун юсак масъулият, меҳр бўлиши керак.

**Усмон НАВРЎЗ,**  
**«Ишонч» мухбири.**



«Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида замонавий технологияларни асосан ёшлар бошқаришмоқда. Уларнинг изланишлари, омилкорликлари туфайли маҳсулот сифати яхшиланиб, кутилган самарадорликка эришилмоқда.

**Суратларда: қадоклаш цехининг илғор ишчилари Гулзор Бакирова ва Тохир Қамбаров.**

**Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.**

## Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

**Қаерда ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган бошланғич касабга уюшма кўмиталари жанговарлиги таъминланса, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялашга оид тадбирлар изчил амалга ошириلسа, ўша ерда соғлом муҳит таъминланиб, атуқлар кўпаймоқда. Бозор муаммолари қадам-бақадам ҳал этиб борилмоқда.**

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ҳўжалигимизда 10 минг нафарга яқин киши меҳнат қилади. Унинг ҳудудидаги қишлоқлар аҳолиси 27 мингдан ошиб кетди. Шу боис, иш кўлами ниҳоятда кенг. Маъмурият билан биргаликда қабул қилинган жамоа шартномасида меҳнатқашлар ижтимоий сугурта жамғармасига ўтказишга мажбурдир».

Узаро суҳбатлар жараёнида, йиғилишларда боғча мудираси Ф.Искандарова, тadbиркор Н.Шамсиев ва бошқалар техника хавфсизлигига эътиборни кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилган. Эътироф этиш лозим, баъзи хўжалиқларда оилак маошлар кечиктириб берилётган бир шароитда бизда ижтимоий ҳимоя масалаларига катта маблаг сарфланяпти. Масалан, мактаб ўқувчиларига 1 миллион 200 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиниб, улар асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига топширилди. Ёз ойларида вилоятдаги «Пахтаой», «Чинорбулак», «Ваҳ-жинор», «Хонжиза» оромгоҳларига ўқувчилар учун 600 минг сўмлик йўлланмалар ажратилди.

Бизда яхши бир одат бор, деҳқонлар ишдан бўш вақтларини клубда ўтказишади. Бу ерда санъаткорларнинг чиқишлари ҳамда Соғлом авлод йилига бағишланган тadbирлар қизиқарли тарзда ўтказилмоқда. Жумладан, «Хўр Ўзбекистоннинг бахтли болаларимиз» деб номланган кенча кўпгина истеъдодларни аниқладик.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳам ривожланиб борапти. Уйингоҳларни таъмирлашга шу йилнинг ўзида 100 минг, спорт тadbирлари учун эса 200 минг сўм сарфланди. Йигит ва қизлар таклифи асосида 140 минг сўмга турли анжомлар келтирилди. Яқиндан бошлаб яна бир имтиёз жорий этилди. Боғчаларимизда тарбияланаётган 100 нафарга яқин фарзандлар учун кетадиган сарф-харажат хўжалик ҳисобидан тўланадиган бўлди.

**Ф.ИСКАНДАРОВА,**  
**Ургант туманидаги Ш.Рашидов**  
**номли ширкат хўжалиги**  
**техника хавфсизлиги**  
**муҳандиси.**

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Жамоа шартномаси бандларини муваффақиятли бажариш учун аввало маблаг керак. Сўнгги йилларда хўжалигимизда барча тармоқ бирдек ривожланди. Иссиқхона, қайта ишлаш цехларининг ишга туширилиши иқтисодий янада мустақамлаштирди. Шу боис, хўжалигимизда ҳар бир миришкор меҳнатига яраша вақтида ҳақ олаётган, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Эътироф этиш лозим, баъзи хўжалиқларда оилак маошлар кечиктириб берилётган бир шароитда бизда ижтимоий ҳимоя масалаларига катта маблаг сарфланяпти. Масалан, мактаб ўқувчиларига 1 миллион 200 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиниб, улар асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига топширилди. Ёз ойларида вилоятдаги «Пахтаой», «Чинорбулак», «Ваҳ-жинор», «Хонжиза» оромгоҳларига ўқувчилар учун 600 минг сўмлик йўлланмалар ажратилди.

Бизда яхши бир одат бор, деҳқонлар ишдан бўш вақтларини клубда ўтказишади. Бу ерда санъаткорларнинг чиқишлари ҳамда Соғлом авлод йилига бағишланган тadbирлар қизиқарли тарзда ўтказилмоқда. Жумладан, «Хўр Ўзбекистоннинг бахтли болаларимиз» деб номланган кенча кўпгина истеъдодларни аниқладик.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳам ривожланиб борапти. Уйингоҳларни таъмирлашга шу йилнинг ўзида 100 минг, спорт тadbирлари учун эса 200 минг сўм сарфланди. Йигит ва қизлар таклифи асосида 140 минг сўмга турли анжомлар келтирилди. Яқиндан бошлаб яна бир имтиёз жорий этилди. Боғчаларимизда тарбияланаётган 100 нафарга яқин фарзандлар учун кетадиган сарф-харажат хўжалик ҳисобидан тўланадиган бўлди.

**Ю.ЭРМАТОВ,**  
**Термиз туманидаги «Намуна»**  
**ширкат хўжалиги касабга**  
**уюшма кўмитаси раиси.**

## ИМТИЁЗ

Инсон ўзи орзу қилганидек яшаши учун аввало барча шароитга эга бўлган уй-жой зарур. Зеро, уйдан тинган, кўтаринки кайфиятдаги кишиларгина энг яхши натижаларга эришадилар.

Шуни ҳисобга олиб, Хоразм темир йўллари раҳбарияти билан жамкорликда бу муҳим масалага алоҳида эътибор бермоқда. Қувончлиси шуки, ўтган йили 48 нафар темирйўлчи замонавий турар-жойлар билан таъминланди. Хайрли иш изчил давом эттириляпти. Шу кунларда яна бир ажойиб турар-жой биноси фойдаланишга топширилиш арафасида.

Жамоа шартномасига кўра темирйўл соҳасида ишлаб, бирон сабаб билан ногиронликка чиқарилган кишилардан коммунал хизмат учун пул олинмайди. Мажбур ётоқхоналарда истиқомат қилаётганлар ҳам турар-жой ҳақининг 50 фоизини тўлайдилар.

Фарзандларимиз ҳақида меҳрибонлик кўрсатиш касабга уюшманинг асосий вазифаларидандир. Яқинда 672 ўқувчи тиббий кўриқдан ўтказилди. Шифокорлар томонидан тавсия этилган йигит ва қизлар саломатлигини мустақамлашга катта миқдорда маблаг ўтказилди.

— Энг оммавий жамоат ташкилоти ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоялашда алоҳида намуна бўляпти, — дейди темирйўлчи С.Набиев. — Яқинда ҳамкасбим Йўлдош Ортиқбоев ишдан нотўғри бўшатилганлигини маълум қилиб, касабқўмга ариза ёзди. Мутасаддилар адолатни тиклаш учун қатъий ҳаракат қилдилар. Натияжада Й.Ортиқбоев меҳнат қонунларида зид равишда ишдан бўшатилганлиги тасдиғини топди. У ўз вазифасига қайта тикланди.

**И.ЭРМАТОВ,**  
**меҳнат фахрийси.**

## ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-бетда)

Сўзга чиққанлар қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва уларни амалга оширишга доир тadbирлар масъул ижрочилар томонидан ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқарилганлигини қайд этишди.

Жумладан, сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши соҳасида эркинлаштириш ва ислохотларни чўқурлаштириш дастурига мувофиқ иккинчи қақуриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди, бир қанча қонунлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилди. «Маънавият ва маърифат» республика кенгаши томонидан Аҳднинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятини ошириш дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурнинг амалга оширилиши фуқаролар ўз хоҳишларини эркин ифода қилишлари, ўз манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари, жамиятда манфаатлар мувозанатини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар, амалий имкониятлар ва қарорлар яратиш имконини беради.

Иқтисодий соҳада эркинлаштириш жадаллаштириш ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси маъқулланди ва умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Илгари қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунларни амалга ошириш мақсадида Хукуматнинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, мевърий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Маънавий соҳада эркинлаштириш дастури бўича «Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси» концепцияси қондаларини амалга ошириш механизминини таъминлашга доир чора-тadbирлар кўрилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Олий ҳўжалик суди, Прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилиши суд-ҳуққ соҳасидаги ислохотлар жараёнининг чўқурлаштиришга кўмаклашди.

Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида қабул қилинган битимлар доирасидаги чора-тadbирларни амалга ошириш давом этмоқда. Халқро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик ривожланмоқда. АКШ, Финляндия, Буюк Британия, Швеция, Австрия, Эстония, Япония, Корея Республикаси, ХХР, Россия ва Украина билан кўп томонлама алоқалар мустақамланмоқда.

Хавфсизликни таъминлаш соҳасида Олий Мажлис томонидан охириги сессияда «Тероризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. «Мудофая тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кўриб чиқиш учун киритилди.

Мажлисида муҳокама натижалари бўича ишчи гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилишини яна бир марта таққидий ўрганиб чиқиш ва жорий йил охиригача муқалланган дастурий топшириқларни суъсия бажариш юзасидан аниқ чора-тadbирлар кўриш топширилди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

## ТОМДИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қизилқум чўлида қад ростлаётган Томди кўргони кун сайин чирой очмоқда. 600 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллеж қурилиши тугалланиш арафасида. Томди -чорвадор туман. Шу боис бу ерда энг муҳим вазифа чўпонлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш беришдан иборат. Яқинда ишга туширилган қишлоқ врачлик пункти, бола-

лар боғчаси, автомашиналарга ёниқли куйиш шохобчаси ана шу мақсад йўлидаги қадамлардан. Шунингдек, айни кунгача чўпон оилалари учун саккизта янги коттеж уйлар қуриб битказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида туман марказида 351,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ҳозиргача Томдида 150 нафар оила янги уйли бўлди.

## Лоқайдлигимиз оқибати

# ЗАРАР УНДИРИЛДИ

**лекин табиатга етказилган зиённинг**

**ўрнини қандай қоплаш мумкин?**

гектар ўрмон ва тўқайзорлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ёниб кул бўлди. Мутахассисларнинг аниқлашича, бу ерда 4 мингга яқин тўрғонги, жийда ва бошқа дарактлар бўлган. Бундан ташқари, худди шу худудда вилоят табиати муҳофазга қилиш кўмитаси қарори билан ташкил қилинган, махсус қўриқланадиган Хива қирғовули кўпайтирилётган экан. Ўзбе-

кистоннинг Қизил китобида киритилган гоят ноёб бу қуш вилоятнинг фақат шу еридагина мавжуд эди. Қинғир ишининг қийини чиқмай қолмайди. Рашид Ҳозиров ва Мансур Жумановлар кўлга олинди...

Уйламай қилинган иш келтирар ташвиш, деб шуни айтадилар-да. Жиноятчиларнинг иккаласи ҳам оилалари. Рашид 25, Мансур эндигина 22

ёшда. Ушбу кўнгилсиз ҳодисанинг содир бўлишида вилоят балиқчилик ва овчилик жамияти раҳбарларининг ҳам айби бор. Улар шолиторларга ўт ёқишни қатъиян ман қилганларида, қоровуллик хизмати ташкил этиб, тарғибот-ташвиқот ишларига бош-қош бўлганларида эл бойлиги қулга айланмас эди.

Воҳада бир пайтлар

ўрмон тўқайзорлар ниҳоятда кўп бўлган. Ҳозир фақат Амударё қирғовидагина қолди, холос. Шу ердаги тўрғонзорлар воҳа аҳлини тоза ҳаво билан таъминлайди. Ана шундай хушхаво жойлар ўт олдирилиб ёки ўтин қилиниб, йўқ қилиб юборилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида тўрғонзорларни кесиб юрган фуқаролардан олти нафари жа-вобгарликка тортилди.

Янада ачинарлиси, бу ердаги иккинчи ёнғин вилоят ўрмончилик хўжалиги раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида содир бўлди. Ёнғин бир қанча жамоа хўжаликлари, шунингдек, қўшни Қорақалпо-

ғистон Республикаси худудида ҳам ўтди. Оқибатда 60 гектар тўқайзор қултепага айланди. Табиатга 2 миллион 42 минг сўмлик зарар етказилди. Унинг айбдорлари суд олдида жавоб берадилар.

Келтирилган моддий зарар қопланар, айбдорлар қилмишига яраша жазосини олар, аммо табиатга етказилган зиённи нима билан қоплаш мумкин? Лоқайдлигимиз жабрини келажакда авлодларимиз тортмайди?

**Фарход РАҲМОНОВ,**  
**Орол табиатини муҳофаза қилиш туманларини прокураторининг ёрдамчиси.**

Уйламай қилинган кичкинагина хато ноқуш оқибатларга олиб келишини гурланлик Рашид ва Мансурлар анча кейин тушуниб етишди. Лекин энди кеч бўлган, ғишт қолипдан кўчган эди. Воқеа тафсилоти қуйидагича: Хоразм вилояти овчилик ва балиқчилик жамиятига қарашли шолитор ерларни ҳас-хашаклардан тозалаш мақсадида, шу жамият ишчилари Мансур Жуманов ва Рашид Ҳозировлар уни ёқдилар. Аланга аста-секин ўрмалаб, тўқайга ўтди. Бу иш ҳуноқ оқибатларга олиб келишини энди тасаввур қилган йигитлар устки қийинларини ечиб, жон-жаддлари билан алангани ўчир бошладилар. Оловнинг бешафқат тиллари тўқайда қуриб ётган қишлоқро кўйкзорларни, улар орасида кўм-кўк бўлиб, янаб турган жийдалар, теракларни ўз домига тортиди.

Эс-ҳушини йўқотган Мансур ва Рашид жуфт-тақни ростлаб қолишди. Лекин уларнинг ҳамқишлоқлари қўлларига челақ, кетмон тутганларича тилсиз ёв

билан олишиб, халқ ва давлат мулкисни сақлаб қолиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилардилар. Шундай бўлса-да, жамиятнинг Янгибозор туманидаги 14,7

**Тахририятимиз бир гуруҳ газетхонлардан даромад солиги бўйича турли мазмундаги саволларга жавоб берилиши сўралган хатлар олди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Махмуджон ИСАЕВга ана шулар ҳақида батафсилроқ маълумот беришини сўраб муножаат қилдик.**

Амалдаги Солиқ кодексининг 62-моддасига биноан асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент — жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этади. Таъмом бўлган календар йилида фақат асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида меҳнат вазиёларини бажаришдан даромад олган жисмоний шахслар шу йил учун олинган даромадлар ҳақида декларация тақдим этмайдилар.

Жами йиллик даромадга нималар кирди, деган савол туғилиши мумкин. Қонунчиликда кўрсатилишича, жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган ялпи даромад қиради.

Барча жисмоний шахслар молия йили давомида ишлаб даромад олган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорига чегирма қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Тақдим этиладиган декларацияда жисмоний шахсларнинг солиқ солимайдиган даромадлари инобатга олиниши керак. Солиқ кодексининг 58-моддасига биноан қуйидаги даромадлар жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди:

- а) давлат ижтимоий сугуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, иш-сизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўлатиш нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан, оиланинг бемор аъзосини парваришlash нафақалари)дан ташқари, шунингдек, хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;
- б) олинган алиментлар;
- в) олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда хунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан, олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланган стипендиялар, шунингдек, ушбу модданинг «а» қисми бандида кўрсатилган жамғармаларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;
- г) хунар-техника билим юр-

- тларининг ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес-мактабларининг ўқувчилари бажарган иш учун уларга ушбу билим юртлари ва бизнес мактаблари берадиган тўловлар;
- д) давлат пенсиялари, шунингдек, уларга устамалар;
- е) шахслар қон топширганлик, донорликнинг бошқа турлари, она сутти топширганлик учун олинган суммалар, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун олинган суммалар;
- ж) майиб бўлиш ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастасно;

# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ДАРОМАД СОЛИГИ

тланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, боқувчисининг вафот этганиги муносабати билан қўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинган суммалар;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи ва бошқалар — қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида олинган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мулк сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно;

к) шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиқда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек, асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжалиқда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий ҳокимият органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараварига бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек, халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳаққа қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фойзалар;

о) фуқароларнинг сугурта бўйича оладиган суммалари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

- табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан берилган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;
- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;
- бошқа ҳолларда — энг кам

канларига, ота-оналарнинг болалиги билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қиймати, шунингдек, ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматидан фойдаланиш қиймати тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибиде корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Қўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қиймати, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг са-

ликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва боғхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек, ўқув ёки синов йиғинларига қаҳирилган ҳарбий хизматчи юзага келиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича бўлади. Биз қуйида кўп учрайдиган иккита сабабга тўхталиб ўтамиз.

Биринчи сабаб, жисмоний шахсга даромад тўловчи юридик шахс (қўпича бу — асосий ва асосий бўлмаган иш жойларидаги бухгалтериялар) ана шу даромадлардан солиқ ушлаб қолмаган ёки ушлаб қолишда ҳисоб-китоб хатолари йўл қўйганидир. Шу боис декларация топшириш жараёнида солиқ органи ходими томонидан йил бошидан эътиборан ортиб борувчи тарзда жами йиллик даромадга ҳисоблаб чиқилган ва ундирилиши лозим бўлган солиқ миқдори билан йил давомида декларантдан ҳақиқатда ушлаб қолingan солиқ миқдори ўртасида тафовут аниқлиниши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 63-моддасига биноан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинганда даромад тўловчи юридик шахс суммасини афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшнилариинг чекланган контингенти таркибиде ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига қаҳирилган ҳарбий хизматчилар ҳамда ундан ортиқ ўн олти ёлғиз оналар;



иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

р) банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фойзалар ва ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларнинг давлат корхоналари мол-мулкни ва хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Узуйжойжамғармабанкнинг» шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек, акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтирилган дивидендлар. Мазкур мол-мулк сотилганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) санаот мулк объектларидан ўз ишлаб чиқаришда фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш мuddати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек, лицензиат санаот мулк объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олинган даромади суммаси;

иқтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;

иқтиролардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан — уч йил давомида;

селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида; санаот намунасида патент бўйича — уч йил давомида; санаот намунасида дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;

фойдали моделдан гувоҳнома бўйича — икки йил давомида;

у) болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш мас-

ломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибиде корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам қиради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган норма тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно.

Бундан ташқари, декларацияда жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилинган бўйича имтиёزلар ҳам акс эттирилади. Қуйидаги жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқдан озод қилинадилар:

- 1) тўлалигича:
- а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;
- б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Респуб-

ликаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса — ўз хизмати юзасидан олинган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчи, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса — ўз хизмати юзасидан олинган барча даромадлари бўйича;

д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотлардан олинган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазири-

нидан зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг қатор тоифалари учун имтиёзли даромад солиғи ставкалари белгиланган. Чунинчи, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан тасдиқланган имтиёзли тарзда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазиёлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-сонли рўйхатларида кўрсатилган шахсларнинг оғир ва зарарли шароитларда олган даромадларини солиқ тарзида тортиб олиниш даражаси эркаклар учун 25, аёллар учун 20 фоиздан ошмаслиги керак (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли ва 1999 йил 17 мартдаги 117-сонли қарорлари).

Шунингдек, табиий иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар тарзида олинган даромадларга энг кам солиқ ставкалари (15 фоиз) бўйича солиқ солинади (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги 562-сонли Қарори).

Жисмоний шахсларнинг имтиёزلарга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганда вужудга келади.

Декларация топширилганда солиқ органлари ва жисмоний шахслар ўртасида баъзан тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича бўлади. Биз қуйида кўп учрайдиган иккита сабабга тўхталиб ўтамиз.

Биринчи сабаб, жисмоний шахсга даромад тўловчи юридик шахс (қўпича бу — асосий ва асосий бўлмаган иш жойларидаги бухгалтериялар) ана шу даромадлардан солиқ ушлаб қолмаган ёки ушлаб қолишда ҳисоб-китоб хатолари йўл қўйганидир. Шу боис декларация топшириш жараёнида солиқ органи ходими томонидан йил бошидан эътиборан ортиб борувчи тарзда жами йиллик даромадга ҳисоблаб чиқилган ва ундирилиши лозим бўлган солиқ миқдори билан йил давомида декларантдан ҳақиқатда ушлаб қолingan солиқ миқдори ўртасида тафовут аниқлиниши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 63-моддасига биноан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинганда даромад тўловчи юридик шахс суммасини афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшнилариинг чекланган контингенти таркибиде ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига қаҳирилган ҳарбий хизматчилар ҳамда ундан ортиқ ўн олти ёлғиз оналар;

иқки ва ундан ортиқ ўн олти ёлғиз оналар;

иқки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва ёлғиз эркаклар; болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанд билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасида бири;


корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар — ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича;

Жисмоний шахсларнинг қонунчиликда кўрсатилган бошқа манфаатлари.


Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томо-

фиб келиб цехга арзон-гаровга топшириш экан. Сўнг ишларлар кимёвий ишлов берилмаган ҳолда оддий сувга чайилиб салтин ичимликлар қуйишга узатилаверар, қопқоқлар эса қўлда ёпилар экан.

Чирчиқ шаҳар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш минтақавий маркази ўтказган таҳлилдан сўнг бундай ичимликлар истеъмолга мутлақо яроқсиз эканлиги маълум бўлди. Антисанитария ҳолатида тайёрланган қўлбола салқин ичимликлар одамни захарлаши ёки ичбуруғ дардига дучор қилиши



**ТЕЛ-АВИВ. Қуддус марказидаги «Махан-Иехуд» бозорида миналаштирилган автомобил портлашидан ҳалок бўлган икки исроилликнинг шахси аниқланди. Улардан бири Исроилнинг таниқли сиёсий арбоби, «Мафдал» партияси раҳбари Ицхак Левининг қизи Айелет Хашахар Леви бўлиб қолди. У 28 ёшда эди. Мазкур портлаш оқибатида 10 киши яраланган.**



**ЛОНДОН. Буюк Британия қироличасининг онаси Лондондаги «Фор сизонс» меҳмонхонасида уюштирилган қабул маросимидан сўнг йиқилиб тушиб, боши билан ерга қаттиқ урилди. Бу ҳақда Букингем саройи расмий вакили хабар берди. Унинг айтишича, жорий йилнинг август ойида юз ёшни қаршилаган кампир-шо ўзини яхши ҳис қилмоқда. Бироқ у шифокорлар кўригидан ўтиши керак.**

**НЬУ-ЙОРК. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ва Исроил ташқи ишлар вазири Шломо Бенами Яқин Шарқдаги кескинлик масаласини муҳокама қилди. БМТ раҳбарининг расмий вакили Фред Экхарднинг айтишича, томонлар Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳридаги саммитда эришилган шартнома ҳаётга татбиқ этилиши лозимлигини яна бир бор қайд этган. К.Аннан ва Ш.Бенами Фаластин раҳбари Ёсир Арафот билан Исроил минтақавий ҳамкорлик вазири Шимон Перес ўртасида бўлиб ўтган музокарада эришилган ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишувни маъқуллаган.** (ЎЗА)



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги «Давлат солиқ хизмат органлари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши тезкор курашни бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари солиқ интизомини мустаҳкамлаш, тўловларнинг бюджетга ўз вақтида тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлида фаол иш олиб бормоқдалар.**

**НАФАҚА ПУЛЛАРИ ҚАНИ?**

Анджон вилояти солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиш бошқармасига тушган маълумот асосида ўтказилган тезкор ҳаракатлар давомида

«Анджон почта» акциядорлик жамияти Марҳамат тумани бўлими «Охчи» шохбчаси бошлиғи Рустам Маматовнинг юлғичлиги фоти шундай.

Р.Маматов шу йилнинг май ва июн ойларида нафақахўрларга тарқатилаш лозим бўлган 757 миң

ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган эди. Солиқчилар ўтказган назорат тартибидеги текширув давомида алоқа шохбчасида яна бир қатор молиявий бузилишлар мавжудлиги аниқланди. Бошлиқнинг қўриб-билиб туриб ижти-

мой мададга муҳтож бўлган нафақахўрлар насибасига чанг солганлиги Марҳамат тумани аҳолисининг унга нисбатан нафратини уйғотди.

Солиқчилар «Охчи» шохбчаси бошлиғининг гайриқонуний хатти-ҳаракатларини ҳужжатлаштириб, тегишли жойларга юбордилар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилюқда.

**БОҒЧА ЎРНИДА... ЯШИРИН ЦЕХ**

Бир пайтлар Бўстонлиқ тумани Товоқсой кўрғонига «Паргос» жамоа хўжалигининг ночоргина болалар боғчаси бўлар эди.

Ҳўжалик раҳбарлари уни сақлай олмадилар. Шундан сўнг, қаққон тадбиркорлардан Равшан Акмалов, Озод ва Талғат Кененбоевлар хўжалик раисини Садир Мингбоевнинг пинжига кириб, боғча ўрнида салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи яширин цех ташкил этдилар. Янги корхонани рўйхатдан ўтказиш, даромаддан солиқ тўлаш эса ҳаёлларига ҳам келмади.

Ташкил этилган солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимлари назорат текшируви ўтказган куни Равшан Акмалов фуқаро К.

мумкин экан. Шу боисдан ҳам яширин цехда тайёрланган барча ичимликлар дарҳол савдо шохбчаларидан йиғиштирилиб олинди. Хуфя даромадга шерик бўлиб қонунбузарликка панжа орасидан қараган хўжалик раҳбари Садир Мингбоев, цех ташкилотчилари Равшан Акмалов, Озод ва Талғат Кененбоевларга нисбатан Жиноят кодексининг 188-моддаси 2-қисми «В» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозир суриштирув ҳаракатлари олиб бориляпти.

**Жасур НОСИРОВ.**

Боғча - мактаб

«ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ»

Сариосиё туман халқ таълими бўлимига қарашли «Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасаси болажонларнинг сеvimли масканига айланган. Утган ўн йил давомида боғча-мактабда юзлаб кичкинтойлар тарбия олишди. Айни пайтда 160 нафар мактабгача ёшдаги болалар ҳамда 100 нафар 1-4 синф ўқувчилари меҳроқибат сабоқларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бундан қарангки, бу ерда жажжи болакайлар 6 ёшгача ўқиш ва ёзишни тўлиқ ўзлаштириб олишмоқда. Демак, улар 1-синфни айнан шу масканда «Китобим ва офтобим» ҳамда «Ўқиш» китоблари билан бошлашади.

1994 йилдан буён машғулот ва дарслар тўлиқ лотин алифбосида олиб борилмоқда. Боғча-мактабда замонавий компьютер хонаси мавжуд. Муаллима Зухра Зарипова болакайлarga компьютер сирларини кунт билан ўргатмоқда.

— Муассасамизда эртақлар шаҳарчаси бунёд этилган бўлиб, у жажжи болажонлар учун сеvimли масканга

айланган, - дейди бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Саодатхон Мирзаева. - Ўқувчиларимизга эса ҳар бир дарс кўргазмали қуроқлар асосида махсус хоналарда олиб борилади. Компьютер, мусиқа, инглиз тили, рус ва ўзбек тили ҳамда жисмоний тарбия хоналари мавжуд. Болаларимиз эрталаб 8.00 да келишиб, кечқурун 5.00 да уйларига кетишади. Бу ерда бепул нонушта ва тушлик уюштирилган бўлиб, тарбияланувчиларга Зухра Ҳалимова, Саломат Эшмуродова, Саодат Худойтова каби тарбиячилар, Ўғилой Норбоева, Шоира Нормурадова, Зухра Зарипова, Гулнора Холмуродова каби ўқитувчилар сабот билан сабоқ беришмоқда. Зеро, эзгулик биринчи қадам, илк тарбиядан бошланади.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: боғча-мактабдан лавҳалар. И.ХАСАНОВ олган суратлар.



Шоҳмат

ЯНГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ


Лондон турнирида туғилди

Владимир Крамник. 1975 йил 25 июнда туғилган. 1992 йил 17 ёшида гроссмейстерлик талабини бажарган. 1994 йилда жаҳон биринчилиги (РСА) чорак финалчиси бўлган. 1998 йилдан эса WCC туркумидаги жаҳон биринчилигида дона сурди. Уч марта Россия терма командасида (1992, 1994, 1996 йиллар) Бутунжаҳон шоҳмат олимпиадаси ғолиби бўлган. Тезкор шоҳмат бўйича «Интел Гран-при-94»да зафар қучган.

2000 йил 1 октябргача профессионал рейтинг кўрсаткичи — 2749 очко (2-ўрин), ФИДЕ таснифи бўйича ҳам 2-ўрин (2000 йил 1 июлгача).

Владимир Крамник! Бу ном «ҳамма даврнинг буюк шоҳматчиси» устидан ажойиб ғалабага эришган истеъдодли шоҳмат устаси сифатида тарихда қоладиган бўлди. Бинобарин, куни кеча шоҳмат бўйича жаҳон биринчилиги ўтган Лондон турнири дунёга асримизнинг энг сўнгги жаҳон чемпиони хадя этди.

Буюк Британиянинг «Брейн Геймс» компанияси ташаббуси ва ҳомийлигида Лондонда ўтказилган 16 партиядан иборат матчининг тугашига бир партиядан олдин, яъни муддатидан илгари 25 ёшли истеъдодли шоҳматчи рақибини таслим этишга муваффақ бўлди: 8,5:6,5. Баҳслар бошланмасдан аввал кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилган башоратлар, тахминлар йўққа



World Chess Championship

бўлганди. Тақдирни қарангки, профессионал рейтинг ва ФИДЕ таснифи бўйича биринчи ўрини шу пайтга қадар ҳеч кимга бермай келаётган «ақл гимнастикаси» соҳиб-и ўз натижалари билан унчалик ҳам мактана олмайдиган шоғирдига имкониятни бой берди. Яна шуниси қизиқки, Г. Каспаров А. Карповдан жаҳон шоҳмат тожини тортиб олганда рақибидан 12 ёш кичик эди. Таажубки, унинг ўзи ҳам 12 ёш кичик гроссмейстердан мағлубиятга учради.

Қоидага кўра Гарри Каспаров ўз унвонини қайтариб олиш учун Владимир Крамникни келгуси йил «дуэл»га қақриш ҳуқуқига эга. Кўрамыз, улар ўртасидаги тақрорий матч қандай ўтаркин?

Ҳозирча эса биз янги чемпиони оқшайлаймиз. Койил, Крамник!

К.ОЛЛОЁРОВ.

Соғлом бўлай

десангиз ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

Жаннат макон дийримизда ўсувчи ҳар битта гиёҳдан тортиб, довдарахтгача муқаддас ҳисобланиб, минг бир дардга шифо беради. Турфа ранглarda товланиб, гўзаллиги билан дилларга ором бағишловчи гуллар ҳам ҳатто дориворлик хусусиятига эга экан. Ҳазрат бобокалонимиз Ибн Сино беморларни даволашда гуллардан кўп ва хўп фойдаланганлар.

ГУНАФША

Хушманзара бу чечакнинг 14 та ёввойи ва 3 та маданий тури республикамизда ўсади. Гунафша қондан бўлган бош оғриғини босади. Бунинг учун гунафшани ҳидлаш ёки оғриётган жойга суртиш керак. Гунафшанинг қуюқ суртмаси арпа талқони билан биргаликда яллиғли шишларни қайтаради. Ҳатто унинг япроғи ҳам шундай хусусиятга эга.

Гунафша кўз оғриққа энг ишончли шифодир. Бунда уни ичиш ёки кўзга қўйиб боғлаш керак. Гунафша иссиқ йўталга ҳам даво. Унинг айниқса шакарда пиширилган мураббоси кўкракни юмшатади. Гунафша яна меъданинг яллиғланишида фойда қилиб ёғи эса кўтир учун энг яхши суртмадир.

НИЛУФАР

Нилуфар илдиизи эзиб ичилса ёки суртма қилинса, талоқ шиши учун фойдали ҳисобланади. Уруғи ва илдиизи яраларни биштириш хусусиятига эга. Илдиизи айниқса кучли дори ҳисобланиб, ҳатто ҳайз қони кетишини тўхтаатади. Яна илдизини сув билан қўшиб суртма тайёрланса, доғни кеткизади.

Нилуфар шарбати йўтал ва зотилжамга қарши ишончли даводир.

Санъат

ри танлаган санъат масканини битириб, туманимиздаги мактабларда, боғчаларда, халқ ансамблларида фаолият кўрсатмоқдалар. Зокир Жабборов, Алижон Турдикулов, Зафар Гелдиев, Ойбек Нишонов каби ёшларимиз ҳақиқий санъаткор

иқтидорли санъаткорлар, бастакорлар этишиб чиқмоғи лозим. Бундай ишонч бизга қувонч ва ғайрат бағишлайди.

Дарсликлар, қолғу асбоблари масаласига келсак, ҳар бир ўқувчимиз онгига улар бебаҳо мулкимиз эканлигини сингдириб борамиз. Уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаймиз, эскирганларини ўқитувчилар кучи билан, зарур бўлса, махсус устaxonаларда тузатириб фойдаланаямиз. Фақат адабиётлар масаласи муаммо. Қани эди, мусиқа мактаблари учун ҳам махсус адабиётлар чоп этилса, ўлмас мулкимиз бўлган халқ куйлари содда ноталарда чиқарилса, санъат ихлосмандлари учун ҳам, бўлғуси бастакорлар учун ҳам мустақил машғулот ўтказиш мактаби бўлар эди. Санъатсевар ёшларимиз иқтидори, билими ва маҳорати шундан далолат бериб турибди.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Бўка мусиқа мактабида юздан ортик ўқувчи-ёшлар сабоқ олишади. Ота-боболари деҳқон бўлган бу санъат шинавандалари нима ларни ўрганишмоқда? Уларга кимлар сабоқ беришапти? Мактаб директори Бахтиёр Очилов бу ҳақда шундай дейди:

— Қишлоқ мактабларида бошланғич таълим олган, санъатга ихлос қўйган ўқувчилар ҳафтада уч кун, дарсдан бўш пайтларида бизнинг мусиқа мактабимиз машғулотларига қатнашадилар. Икки кун ўзлари танлаган мусиқа асбоблари бўйича амалий машғулотда қатнашсалар, бир кун назарий билим оладилар. Амалий машғулотлар ўзбек миллий қолғу асбоблари асосида ўтказилади. 20 нафар ўқитувчи халқ куйлари, мумтоз мўдана бунён мусиқа мактабида ишлаб келаяпман. Агар ўша давр билан ҳозирги суратини таққослайдиган бўлсам, ер билан осмонча фарқ мавжуд. Дастлабки йиллари мактабимизда 150 нафар ўқувчи мусиқа сирларидан таълим олган бўлса, бу йил улар 228 нафарга етди. Мактабимизда ўқиган ёшларнинг кўпчилиги ўзла-

раимов, Дилафрўз Очилова каби иқтидорли муаллимлар ўз шоғирлари тимсолида келажакда мумтоз маданиятимиз жонқуярлари намоян бўлиб бориши

ДЕҲҚОН БОЛАСИ КҲЙ БАСТАЛАЙДИ

учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзим ҳам санъатга ёшлиқдан ихлос қўйиб, ҳаётимни мусиқага бағишлаганман. 1972 йилдан бунён мусиқа мактабида ишлаб келаяпман. Агар ўша давр билан ҳозирги суратини таққослайдиган бўлсам, ер билан осмонча фарқ мавжуд. Дастлабки йиллари мактабимизда 150 нафар ўқувчи мусиқа сирларидан таълим олган бўлса, бу йил улар 228 нафарга етди. Мактабимизда ўқиган ёшларнинг кўпчилиги ўзла-

бўлиб, халққа беминнат хизмат кўрсатмоқдалар. Мустақиллик шарофати билан ҳамма жойда бўлгани каби мактабимиз ҳаётида ҳам, таълим, тарбия жараёнида ҳам турб ўзгартирилган юз бермоқда. Ўқувчи-ёшларимиз кўпроқ билим олишга, санъат сирларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилаяптилар. Бу биз ўқитувчиларга ҳам ўз билим ва тажрибамизни тинимсиз ошириб бориш вазифасини қўяди. Демак, мактабимиз парталаридан кечадиган бугун кўпроқ

Муаммо

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Ким болаларнинг билими пухта, дунёқароши кенг, эътиқоди мустаҳкам бўлиши истамайди дейсиз? Барча истаиди. Лекин бунга эришиш осон эмас. Фақат мустақиллик давридагина мактаб-маорифга етарли даражада эътибор қилина бошланди.

Туманимизда айни кунда 66 та мактаб мавжуд. Таъқидлаш жоизки, ҳар йили бир-икки мактаб янги бинога кўчиб ўтмоқда. Мутахассисларимиз янги шароитда ишлаш кўникмасига эга бўлиб бормоқдалар. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Кадрлар етишмаслиги, кўргазмали қуроқлар ва жиҳозлар танқислиги сезилиб турибди. Буларнинг ҳаммаси мактабларнинг моддий-молиявий аҳволига бориб тақалади. Ҳўш, қачонгача бюджет ажратмаларига кўз тикиб ўтирамыз? Илм даргоҳларида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масаласини ҳал қилиб бўлмайми? Бунинг чораси топилди. Туман ҳокимлигининг ёрдами билан барча мактабларга 1-2 гектардан, боғчаларга 0,5 гектардан ёрдамчи ҳўжа-

лик учун ер ажратилди. Бу ўз самарасини берди. Масалан, тумандаги 36-мактаб ёрдамчи ҳўжалиқдан 900 минг сўм даромад қилди. Бундай мисоллар кўп. Айтилик, жорий йилда мактабларни таъмирлашга 7 миллион сўм атрофида маблағ сарфланган бўлса, шунинг асосий қисми ёрдамчи ҳўжалиқлар ҳисобидан қопланди. Олинаётган даромад ҳисобидан, шунингдек, кўргазмали қуроқлар, ўқув жиҳозлари харид қилинмоқда. Айрим ҳолларда ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш чоралари кўрилаяпти.

Мактаблар жамоаларининг ташаббуси ва интилиши бошқаларнинг ҳам эътиборини жалб қилди. Туманимиздаги тадбиркорлар ҳам ёрдам беришга киришдилар. Бу денгиздан томчидай гап. Лекин болалар камолоти ҳақида, бунга мос шароит яратиш ҳақида қайғуриш, бунинг учун имкониятларни бирлаштиришнинг ўзиёқ гоят аҳамиятлидир.

Т.САФАРОВ, Булуғтур туман халқ таълими бўлими мудири.



Гул дийрим гуллари Пойингизга пойндоз. Сизга тазим қилурмиз, Эй, меҳри ҳар устоз. Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.

Футбол

ИККИ КАРРА «ХЕТ - ТРИК»

Яна икки турдан сўнг йигирма биринчи аср бўсағасидаги миллий чемпионатимиз расман ниҳоясига етади. «Расман» сўзини зикр этганимиз беҳиз эмас, албатта.

Турли сабабларга кўра, хусусан Осиё кубоғи баҳсларига тайёргарлик муносабати билан айрим кечиктирилган учрашулар сал кейинроқ ўтказилади ва биз тез орада сувдан кўтарилган ғалвир тағида нима-лар борлигини аниқравшан кўрамыз.

Лекин бир нарсани олдиндан айтишимиз мумкин. Биринчи давра охири ва иккинчи давра бошларида совриндорлар ва олий лигани тарқатдиган клубларни номаном санаб, бироз шошқалоқликка йўл қўйган эканмиз. «Насаф» ва «Нефтчи»нинг дадил одимлари, бунинг аксича «Зарафшон», «Темирйўлчи» каби қатор жамоаларнинг сўй ўйини турин жадвалига жиддий ўзгартирилди киритди ва эндиликда биз сўнгги учрашулар натижасини куттишга мажбурмиз.

Ўттиз олтинчи тур ҳам фикримизни тасдиқламоқда. Марказий ўйинлар сирасига кирган «Семурғ» - «Насаф» жамоалари ўртасида кечган баҳсда дарвозалардан тўққизта тўп жой олганлиги, биринчи бўлимда 3:0 ҳисобида олдинда бораётган қаршилиқлар майдон эгаларининг шиддатли ҳужумлари оқибатида аранг ғалабани қўлда сақлаб қолганлари (5:4) учрашув гоят муросасиз кечганлигидан далолат беради. Қаторасига икки ўйинни бой берган «Дўстлик» клуби «Анджон» командасини қабул қилиб, ниҳоят мухлисларига қувонч бахш этди - 4:1. Худди шундай ҳисоб Чир-

чиқда ҳам қайд этилди. Фақат бу гал майдон эгалари мағлубиятга учрадилар. Омад Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасига кулиб боқди.

Ушбу турда томошабинлар яна икки йirik ҳисобга гувоҳ бўлдилар. Мавсум ўрталарида эгаллаган мавқеини бой беришда давом этаётган «Сурхон» Тошкентда «Пахтакор»нинг шиддатига дош беролмади ва ўз дарвозасидан жавобсиз беш тўп ўтказиб юборди. Қўқонда маҳаллий «Темирйўлчи» ҳам «Бухоро»ни қабул қилиб, шундай фарқ билан мағлубиятга учради - 1:6. Айтиш жоизки, турнинг, эҳтимолки чемпионатнинг энг тарихий воқеаси шу учрашувда юз берди. Меҳмонлар ҳужумчиси Улғубек Бақоев бир ўйинда икки марта «хет-трик»ка эришди, бошқача қилиб айтганда, ғалаба келтирувчи бар-

ча голлар муаллифи сифатида катта олқишга сазовор бўлди. Билмадик, илгари ҳам шундай ҳол юз берганмиди, ҳар қалай Улғубек ушбу учрашувда дарвозага тўп киритиш ҳадисини пухта эгаллаб бораётганини исботлади ва чемпионат тўпурарлари сафига қўшилиб олди. Дарвоқе, «бомбардир»лар пешқадами Жаъфар Ирисметов ҳисобидаги тўплар сони кечаги турдан сўнг 39 тага етди ва у ўз рекорди (34 та)ни янгилашда давом этмоқда.

Турнинг қолган учрашуларига қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд» - «Турон» - 1:0, «Зарафшон» - «Хоразм» - 1:0, «Гулистон» - «Металлург» - 0:1, «Сўғдиёна» - «Трактор» - 1:2, «Навбахор» - «Кизилкўм» - 1:2.

З. РИХСИЕВ.

36-ТУРДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТ

Table with 7 columns: Jamoalar, U, Y, D, M, T-N, O. Lists teams like Dostlik, Nasaф, Neftchi, Samarqand, Bukhoro, Navbahor, Paxtakor, Traktor, Surxon, Qizilqum, Semurg, Metallurg, Kimogor, Sugdiyena, Turon, Guliston, Zarafshon, Xorazm, Temiryoilchi with their respective scores.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлиmlари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсуслиги: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00